
Данғара тумани Тангриқул МФЙда “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

2-сонли касб хунар мактабида бўлиб ўтган учрашувда сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари, тижорат банклари раҳбарлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, маҳалла ёшлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Учрашув бошида вилоят ҳокимининг жорий йил 30-июл кунги 33 сонли йиғилиш баёнида белгилаб берилган топшириққа асосан бугунги кунда ер, банк кредити ажратиш ва бошқа инструментлар асосида ишсиз аҳолини банд қилиш бўйича мавжуд имтиёзлар ҳақида тушунтиришлар бериб ўтилди.

Учрашув давомида ёшларнинг мурожаатлари эшитилиб, барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди. Ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

2024-08-26 16:42:11